

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1884-ҳадис

1884 - وَعَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَوَّلُ مَا يَقْضَى بَيْنَ النَّاسِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِي الدِّمَاءِ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

1884. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қиёмат куни одамлар орасида биринчи ҳукм қилинадиган нарса (ноҳақ тўкилган) қон хусусида бўлади», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ислом шариати нуқтаи назаридан қарасак, ҳар бир мўмин-мусулмоннинг қонини тўкиш иккинчи бир мусулмон учун ҳалол бўлмайди. Бу ҳақида Қуръони каримда шундай дейилади:

«Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёрлаб қўйгандир» (Нисо сураси, 93-оят)

Эътибор берсак, мазкур ояти каримада комил мўмин-мусулмон одам бундай қабиҳ ишга асло қасддан қўл урмаслиги айтилмоқда. Шунинг ўзи ҳам бундай ишларни амалга ошириш ёки даъво қилиш қанчалар оғир гуноҳ эканини кўрсатади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаж мавсумидаги хайрлашув хутбаларида ҳам аини масалага тўхталиб ўтган эдилар. Мазкур хутбаларида шундай дедилар:

“Албатта сизларни қонингиз, мол-мулкингиз бир-биригизга, мана бу кунларингиз, мана бу ойингиз ва мана бу шахрингизни ҳурмати каби ҳаромдир” (яъни ўзаро урушлар ҳаром қилинган шаҳар Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара, урушлар ҳаром қилинган маълум ойлар ва Макка фатҳ қилинган кун)

Бу мавзуда яна кўплаб ҳадиси шарифлар ривоят қилинган.

Қуйида йирик алломаларимизнинг ҳам бу борадаги фикрларини келтириб ўтамиз. Жумладан:

Ибни Касир роҳимаҳуллоҳ шундай дейдилар:

“Ҳеч бир баҳона ва сабаб бир мўминга иккинчи бир мўминни ўлдиришни ҳалол қилмайди. Зеро «Саҳиҳи Бухорий» ва «Саҳиҳи Муслим»ларда ибни Масъуддан қуйидаги ҳадиси шариф ворид бўлган: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ» деб гувоҳлик берган ва менинг пайғамбарлигимга иймон келтирган бирорта мусулмоннинг қони ҳалол эмас. Аммо учта ишни содир этган бўлса бундан мустаснодир: нафс нафс билан (бировни ўлдирган жинойтчининг устида жинойтига муносиб тарзда қасос жорий қилиш), уйланган бўлса ҳам зино қилган зинокорни ва мусулмонлар жамоатидан айрилиб диндан қайтган муртадни”.

Ушбу ҳадиси шарифдаги қасос масаласи ояти карималарда ҳам баён қилинган ҳукм бўлиб, аммо унинг ижроси қозиёт маҳкамасида маълум талаб ва низомлар асосидагина ижро этилади. Ислом шариасти бу каби муҳим ишларни ҳар ким ўз билганича амалга оширишига рухсат бермайди. Чунки бу иш одамларнинг ўз ихтиёрига ташлаб қўйилса жамият орасида баттар хунрезлик ва қирғинлар кўпайиб кетиши мумкин. Аслида қотиллар устидан қасос ҳукмини жорий этилиши ҳам жамият аъзолари орасида қон тўкилишини олдини олиш, яъни қон ва жон ҳимоясига қаратилган чорадир.

Манба: hadis.islom.uz

